


## ФАОЛ ЁШЛАР



**М**амлакатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан Ўзбекистон қасаба уюшмалари томонидан кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Хусусан, мазкур қарор асосида тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2014 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури"нинг 24-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан "Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси" танлови ташкил этилди. Танловдан қўзланган мақсад ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб қамол топишига бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорлиларини рағбатлантириш, йигит-қизларда Ватанга муҳаббат ва мамлакатда рўй бераётган воқеаларга дахлдорлик ҳиссини ҳамда фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнидаги фаоллигини оширишга қаратилган. Шунингдек, танлов орқали ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, инновацион ғоя, лойиҳа ва технологияларни ҳаётга татбиқ этиш, бунинг натижасида янги иш ўринларини яратиш кўзда тутилган.

### ҚУВОНЧЛИ НАТИЖАЛАР

2013-2020 йилларда телекоммуникация технологияларини, алоқа тармоқлари ва инфратузилмаларини ривожлантириш дастурини амалга ошириш доирасида жорий йилнинг биринчи ярмида замонавий технология асосида кенг миқёсда фойдаланиш учун **600 километр**дан ортиқ оптик толали тармоқлар бунёд этилди. Рақамли телевидениега босқичма-босқич ўтишга доир амалга оширилган чора-тадбирлар аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражасини **45 фоиз**га етказиш имконини берди. Мобил алоқа ва интернет хизматларидан фойдаланаётган абонентлар сонининг кўпайиши, ахборот-коммуникация технологиялари негизида янги хизмат турларининг жорий этилиши ва ривожлантирилиши, шунингдек, АТСни рақамлаштириш даражасининг оширилиши ҳисобот даврида алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари **25,4 фоиз**га, компютер дастурлаш хизматлари **18,4 фоиз**га ошишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг "Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилнинг биринчи ярмида қўшимча-иқтисодий ривожлантириш якунлари тўғриси"даги ахборотидан.

2-бет

### УШБУ СОНДА:

Тараққиёт мезони	3
GoTerra — муқобил алоқа	4
Абитуриентга 15 тавсия	5
UZTE доступны к оплате через CLICK	6
Асрий орзулар рўёби	8-9
Ота-она андоза	10

### Сўнги янгилик!

**Т**окио (Япония)-да 3840x2160 пикселли, 60 кадр/сония частотали ултрақоқор тиниқликдаги видеони реал вақт тартибда симсиз узатиш тизими намойиш этилди.



4k60p Wireless Transmission System дея номланган бу тизим устида Ltec, Techno Mathematical Co (TMC) ва Hitachi Kokusai Electric корпорациялари мутахассислари иш олиб боришди.

Тизим нисбатан содда тузилишга эга: H.264 стандартидаги кодловчи ва декодловчи қурилма, симсиз қабул қилгич ва узатгичлар ҳамда 4K форматли дисплей. Маълумотлар 25 ГГц диапазолида узатилади; ўтказувчанлиги — 95 Мбит/с.

## Jumadan Jumagacha

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 18 июл куни пойтахтимизнинг кўҳна Минор мавзесига ташриф буюриб, янги мухташам масжид биноси қурилиши ишлари билан яқиндан танишди. Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган кенг қўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳақида фикр билдирди, мажмуани янада такомиллаштириш бўйича кўрсатма ва тавсиялар берди. Ислам Каримов мазкур қадамжо атрофида олиб борилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ҳам синчиклаб кўздан кечирди.

● Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тошкент давлат стоматология институтини ташкил этиш тўғрисида"ги ҳамда "Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатасида меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини Қонуночилик палатаси кўриб чиқиши учун қабул қилиш мумкинлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

● Наманганда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов комиссиялари аъзоларининг малакасини оширишга қаратилган ҳудудий семинар бўлиб ўтди. Унда миллий сайлов тизимининг мазмун-моҳияти, республикамиз сайлов қонуночилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида, шунингдек, сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан тушунча ва тавсиялар берилди.

● Термиз шаҳрида тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва виллоят солиқ бошқармаси вакиллари, тадбиркор ва фермерлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Шу йил 22 июл куни Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг навбатдаги III конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда уюшманинг ўтган беш йиллик фаолияти атрофида муҳокама этилди. Конференцияда ташкилий масала кўриб чиқилди. "Ўзбектелефилм" давлат унитар корхонаси директори Иброҳимжон Ҳалимбеков Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, "Хуррият" газетаси бош муҳаррири Уктам Мирзаёров мазкур ташкилот раисининг ўринбосари этиб сайланди.



# ФАОЛ ЁШЛАР

◀ 1-бет

**"Йилнинг энг фаол ёш алоқачиси" ҳамда "Йилнинг энг фаол ёш дастурчиси" танловларининг республика босқичи ўтказилди.**

Жорий йилнинг 24 июл куни мазкур танловнинг навбатдаги йўналишлари — "Йилнинг энг фаол ёш алоқачиси" ҳамда "Йилнинг энг фаол ёш дастурчиси" танловларининг республика босқичи ўтказилди.

Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида бўлиб ўтган танлов ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзахидов, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари Б.Маҳмадалиев, Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси республика кенгаши раиси А.Ишанходжаев ва бошқалар қатнашиб, сўзга чиқиди.

Мазкур танловнинг қўйи босқичларида 61 нафар ёш алоқачи ва мутахассис юқори тезликдаги технологиялар электр энергияси таъминоти, муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш, нанотехнологиялар воситасида яримўтказгич материалларнинг фойдали иш коэффициентини ошириш учун учинчи авлод фотоэлектрик ўзгартиргич — автоном фотоэлектр қурилмаларини амалиётга жорий этиш, автоматлашган кузатиш ва ўлчаш ускуналарини ишлаб чиқариш йўналишларидаги ишланма ва ғоялари билан иштирок этдилар.

Масалан, "UNICON.UZ" ДУК электромагнит мослашув таҳлил хизмати 1-тоифали муҳандиси Азиз Атаниязов ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган фотоэлектрик қурилмаларнинг куёш энергиясини тўғридан-тўғри электр энергиясига айлантириши жараёнида экологик барқарорликни таъминлашга қаратилган ғояси билан танловда қатнашди. У таклиф этаётган концентраторли фотоэлектрик қурилмалар яримўтказгич материаллар миқдорини юз мартагача камайтириб, Куёш элементларининг солиштирма қувватини концентрация кўрсаткичига мос равишда ошириш ҳамда кенг полосали симсиз алоқа тизимларидаги база станцияларини электр энергияси билан таъминлаш тизimini такомиллаштиришга хизмат қилади.

Ёш мутахассислар тақдим этган ишланмалар нуфузли ҳайъат аъзолари томонидан кўриб чиқилиб, қуйидаги ёш мутахассислар ғолиб деб топилди:

**"Йилнинг энг фаол ёш алоқачиси"**

**1-ўрин — А.АТАНИЯЗОВ ("UNICON.UZ" ДУК электромагнит мослашув таҳлил хизмати 1-тоифали муҳандиси)**

**2-ўрин — М.АЛИМОВ ("Ўзбектелеком" АК ҚҚР ТТТ-6 филиалининг ишлаб чиқариш лабораторияси муҳандиси)**

**3-ўрин — М.БОБОНАЗАРОВ ("Ўзбектелеком" АК Наманган филиали АМТС гуруҳи бошлиғи).**

**"Йилнинг энг фаол ёш дастурчиси"**

**1-ўрин — С.БЕКНАЗАРОВА (Тошкент ахборот технологиялари университетининг "Аудиовизуал технологиялар" кафедраси ассистенти)**

**2-ўрин — Ш.МАМАДАЛИЕВ (ТАТУ Самарқанд филиали муҳандис-электрончиси)**

**3-ўрин — Б.АБДУЛЛАЕВ (Абдулла Қодирий номидаги Навоий виллоят АКМ бўлим mudiri).**

Ғолиб ва совриндорлар Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси республика кенгашининг диплом ва қимматбаҳо совгалари ҳамда ҳомий ташкилотларнинг пул мукофоти билан тақдирланди.

Тадбирда, шунингдек, соҳа корхона ва ташкилотларида турли вазифаларда фаолият кўрсатаётган, фидокорона меҳнати билан ҳамкасблари орасида обрў-эътибор қозонган бир гуруҳ алоқа ходимларига "Ўз касбининг моҳир эгалари" номинациясида диплом ва совғалар топширилди.

Танлов доирасида аниқланган энг фаол ёш мутахассислар Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллиги олдидан ташкил этиладиган "Ёш мутахассислар" республика форумида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди. Шунингдек, улар ўз иқтидорлари ва тажрибаларига кўра, Касба уюшмалари Федерацияси томонидан ёш мутахассисларнинг инновацион ғояларини янада ривожлантириш ва ҳаётга татбиқ этишларига кўмаклашиш мақсадида ажратилган махсус грантларни қўлга киритиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Собит АҲАДОВ,  
"Xabar" мухбири  
Муаллиф олган суратлар

## Истиқлол солномаси

1993 йил

✓ Тошкент телеминораси Бутундунё улкан миноралар федерациясига аъзо бўлди.

✓ Ахборот технологиялари бўйича биринчи "Осиё компютер" кўргазмаси бўлиб ўтди.

✓ Сентябр ойида "Халқаро почта" корхонаси иш бошлади.

1994 йил

✓ Ўзбекистон Халқаро почта иттифоқига аъзо бўлди.

✓ Фарғона виллоятида Жанубий Кореянинг "ДЗУ" компанияси иштирокида 50 минг рақамли ЗАТС ишга тушди.

✓ Тошкент шаҳрида рақамли радиорелели алоқа линиялари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг жорий йил биринчи ярми якуналарига бағишланган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгайтирилган тарзда ўтказилган мажлис видео ва радиоселектор тизими орқали жойларга узатилади. Йиғилишни Хайъат раиси Х.Мирзахидов бошқарди.

Кун тартибдаги "2014 йил биринчи ярим йиллигида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуналари ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги асосий масала бўйича Қўмита раисининг биринчи ўринбосари М.Маҳмудов маъруза қилди. Маърузачи ҳисобот даврида эришилган ютуқлар ва келгуси вазифалар хусусида атрофлича сўз юритди.

Ҳисобот даврида Инвестиция дастурига Қўмита бўйича киритилган лойиҳаларга асосан корхоналарнинг ўз маблағлари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига жами 75,03 миллион АҚШ доллари (173,45 миллиард сўм) ўзлаштирилиб, режа юз фоизга бажарилди.

Кенг полосали тармоқларни ривожлантириш бўйича ишлар натижасида, умумий ўрнатилган портлар сони 613 мингтани, фойдаланилган портлар сони эса 351 мингтани ташкил этди. Ўтган йилнинг шу даврига таққослайдиган бўлса, бунда ўсиш мис равишида 133,4 фоиз ва 154,6 фоизни ташкил этди.

Бугунги кунда 120та давлат органи томонидан NIS.UZ тизимида АКТ ҳолати бўйича маълумотлар мунтазам киритиб борилмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида АКТни ривожлантириш ҳолати баҳоланганда энг юқори кўрсаткич Марказий банк (80,2 фоиз), Молия вазирлиги (78,2 фоиз), "Ўзвинпром-холдинг" компаниясида (75,6 фоиз) ва Давлат солиқ қўмитаси (73,4 фоиз) қайд этилган. Бироқ, АКТ жорий қилинганлик ҳолатини янги методика асосида баҳоланганда энг паст кўрсаткичлар Самарқанд вилояти (33,8 фоиз), Сурхондарё вилояти (34,7 фоиз), Андижон вилояти (38,3 фоиз) ва Жиззах вилояти (38,3 фоиз) ҳокимликларида кузатишган. Электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланиш даражаси эса Сурхондарё вилояти (31,3 фоиз), Сирдарё вилояти (31,7 фоиз) ҳокимликларида паст даражада. Жорий йилнинг биринчи ярмида жорий қилиниши белгиланган интерактив давлат хизматлари Хоразм (43,8 фоиз), Сурхондарё (57,1 фоиз) ва Сирдарё вилояти ҳокимликларида (77,8 фоиз) етарли даражада амалга оширилмаган. Шу даврда АКТни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича амалга оширилиши белгиланган лойиҳаларнинг Фарғона вилояти ҳокимлигида бор-йўғи 20 фоизи ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигида 40 фоизи амалга оширилган.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг инглиз тилидаги талқини жорий қилинди. Шу билан бирга, ер участкаларини ажратиб,

қурилиш учун рухсатномалар бериш, кўчмас мулкка эгалик ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиш, электр таъминоти тармоқларига уланиш билан боғлиқ тартиб-таомиллар тўлиқ хатловдан ўтказилди ҳамда ўтказилган ўрганишлар натижасига кўра, Вазирлар Маҳкамаси томонидан уларни содда-

тирилган объектлар сони 2014 йил биринчи ярим йиллиги давомида 436тага кўпайиб, жами 1708тани ташкил этди ва автоматлаштирилган иш ўринлари сони шу даврда 413тага кўпайиб, 2685тага етказилди. Таққослаш учун: ўтган йилнинг шу даврида автоматлаштирилган иш ўринлари сони 2230та эди.

## ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ

2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида соҳа корхоналари томонидан **1,93** триллион сўмлик хизматлар кўрсатилди, ўсиш суръати **25,2** фоизни ташкил қилди, шу жумладан, аҳолига **1,2** триллион сўмлик алоқа хизматлари кўрсатилди ва бунда ўсиш **23,4** фоиздан иборат бўлди.

лаштириш ва электрон шаклга ўтказиш бўйича Комплекс чора-тадбирлар тасдиқланди.

Ҳозирда www.software.uz — дастурчилар ва дастурий маҳсулотлар миллий каталогига 3100дан зиёд дастурий маҳсулотлар, 220дан зиёд дастурчилар ва 120дан ортиқ дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи компаниялар рўйхатдан ўтган.

Компютер дастурлаш хизматларининг 2014 йилнинг январ-май ойларида кўрсатилган ҳажми 61 279,9 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилнинг январ-июн даврига нисбатан ўсиш суръати 141,7 фоизни ташкил қилди. uMail.uz бепул электрон почта хизматида 2013 йил давомида фойдаланувчиларнинг ўсиши ойига ўртача 1000тани ташкил қилган бўлса, 2014 йилда ушбу кўрсаткич 5000дан зиёдни ташкил қилмоқда. 2014 йил 20 июн ҳолатига почта тизими фойдаланувчилари сони 75000тани ташкил қилди.

Почта йўналишида автоматлаш-

2013-2014 ўқув йилида жами 25,9 минг нафар битирувчилардан, бугунги кунга қадар, ўқувчиларнинг 25,3 минг нафари билан уч томонлама шартномалар расмийлаштирилди.

Ҳисобот даврида тизимдаги компаниялар, жамиятлар, корхона ва ташкилотлар томонидан республикадаги турли малака ошириш марказларида ҳамда жойларда ташкил этилган ўқув курслари, машғулот ва семинарларда жами 6558 нафар ходимнинг малакаси оширилди, 75 нафар ходим хорижда малака оширди. Шу даврда жами 41та иш ўринлари ташкил этиш белгиланган бўлиб, амалда жами 48 иш ўринлари ташкил этилди.

Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари корхоналари бўйича ҳисобот даврида 2016та мурожаат тушган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,7 фоизга камайган. Бироқ почта йўналиши бўйича ўтган йилга нисбатан шикоятлар сони кўпайган.

Хайъатда, шунингдек, "Электрон ҳукумат" тизимларини ривожлантириш маркази директори Ш.Ҳабибуллаевнинг "Электрон ҳукумат" тизими лойиҳаларини амалга ошириш ҳақидаги, "Ўзбек-телеком" АК бош директори А.Абдумўминовнинг хизматлар сифати

ФАКТ

Компютер хизматларининг 2014 йилнинг январ-май ойларидаги экспорт ҳажми **818,1** минг АҚШ долларини ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичга нисбатан **177,8** фоизга ўсган.

ва истиқболдаги режалар тўғрисидаги, Қўмитанинг кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўлими бошлиғи К.Муллабоевнинг соҳага бириктирилган касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга оид маърузалари ҳамда Қўмитанинг Андижон, Наманган, Фарғона, Жиззах, Самарқанд ва Тошкент вилоятлари ҳудудий бошқарма бошлиқларининг вилоятларда АКТни ривожлантириш йўналишида қилинган ишлар бўйича ҳисоботлари, "Chircom" МЧЖ ва "Super imax" МЧЖ корхоналари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Ишчанлик, таҳлилий ва танқидий руҳда ўтган мажлисда Хайъат раиси Х.Мирзахидов Қўмита ҳудудий бошқармалари, соҳа корхона ва ташкилотлари бошлиқлари олдида аниқ вазифалар қўйиб, унинг ижросига раҳбарлар шахсан масъул эканини таъкидлади, масъулиятни унутмасликни, мана шу мезон тарраққиётга хизмат қилишини алоҳида уқтирди. Жумладан, соҳа раҳбари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якуналарига бағишланган мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соҳага топширилган вазифалар ижросини сўзсиз бажариш юзасидан амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш, 2014 йилги Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг тасдиқланган тармоқ жадвалларига қатъий риоя қилган ҳолда бажарилишини таъминлаш, республикада рақамли телерадиоэшитиришга техник ва технологик тўлиқ ўтишни таъминлаш, миллий мобил алоқа оператори тармоғини яратиш бўйича белгиланган вазифаларнинг муддатда бажарилишини таъминлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, захира масалаларига алоҳида эътибор қаратиш, миллий дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш бозорини янада ривожлантириш, кенг полосали абонент тармоғини кенгайтириш ва абонентлар сонини кескин ошириш, "Жиззах" МИЗда лойиҳалар бўйича амалга оширилаётган ишларни ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарининг фаолиятини жадаллаштириш, "Соғлом бола йили Давлат дастури"да белгиланган вазифаларни ўрнатилган муддатларда тўлиқ бажариш, жойларда мижозлар билан муомала маданиятини юқори даражага кўтариш юзасидан тегишли чоралар қўриш лозимлигини таъкидлаб ўтди.

Хайъатда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

ФАКТ

Телекоммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида олиб борилган ишлар натижасида Халқаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш умумий тезлиги **11,8** Гбит/с.га етказилди.

## Xalqaro haqot



● БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Навангхем Пиллэй Газо секторда тинч фуқаролар, жумладан, болалар нобуд бўлаётганидан ташвиш билдирди. "Бу нафақат ҳарбий, шунингдек, инсонийликка қарши жиноятдир", деди у.

Пиллэйнинг сўзларига қараганда, Исроил мудофаа армияси ХАМАС жангариларига қарши "Мудофаа чегараси" ҳарбий операциясини бошлагандан бери (8-23 июл) Газо секторда 600дан зиёд фаластинлик, жумладан, 147 бола ва 74 нафар аёл ҳалок бўлган. Қурбонларнинг 74 фоизи оддий фуқаролар бўлган.

● Покистоннинг Шимолий Вазиристон ҳудудидида ўз уйлари мажбуран ташлаб чиққан кишилар сони 1 миллиондан ошган. Бу ҳақда Покистон Минтақалар ва чегара ҳудудлари вазири Абдулқодир Балоҳ матбуот анжуманида баёнот берган.

Эслатиб ўтамиз, бундан кўзланган мақсад мазкур ҳудудларга яшириниб олган толибларга қарши кенг кўламли ҳарбий амалиёт ўтказилишидир. Шунингдек, вазири мажбурий қочоқлар сони 2,2 миллионга ҳам етиши мумкинлигини айтди.

● Хитойнинг шимоли-ғарбдаги Гансу провинциясининг Юймэн шаҳарчасида ўлат тарқалиши эҳтимоли туфайли карантин эълон қилинди. Шаҳарчада яшовчи 38 ёшли эркак киши шифохонада вафот этгач, касаллик аломатлари аниқланганди. Ҳозирча инфекция бошқаларга юққани ҳақида маълумот йўқ. Агар тўққиз кун давомида ўлат аломатлари юзага чиқмаса, карантин бекор қилинади.

● Перу бош вазири Рене Корнехо истеъфога чиқарилди. Шу тариқа у мамлакатда охириги уч йил давомида вазифасидан озод этилган бешинчи бош вазирга айланди. Унинг истеъфоси мамлакат президенти Олянта Умала нуфузига соя солувчи сиёсий можаро билан боғлиқ дейилмоқда.

● Россиянинг Магадан ўлкасига бир кеча-кундузда уч ойлик меъёрдаги ёғин ёғди, ёмғир тинмапти. Бу минтақа учун рекорд кўрсаткич бўлиб, охириги марта шунга ўхшаш ёғингарчилик 1936 йили кузатилган экан.

Об-ҳаво инжиқликлари сабаб йўллар тўсилиб қолган, транспорт тўхтаган, уйлари сув босган кишилар хавфсиз ҳудудларга кўчириляпти.

● 2014 йилнинг июн ойи жаҳон метеокүзатишлари тарихидаги энг иссиқ ой дея эътироф этилди: сайёрамизда ўртача ҳарорат тахминан +16,5°C атрофида бўлган. Бу ҳақда АҚШнинг Океанлар ва атмосферани тадқиқ қилиш миллий бошқармаси хабар тарқатган.

Июн ойида жаҳон океани ҳарорати ҳам +17°Сга чиқиб, абсолют рекорд ўрнатилган.

● Испания пойтахти Мадридда жойлашган машҳур Прадо музейида аудит ўтказилганида 885та санъат асари етишмаслиги ошкор бўлди. Аудиторлар комиссияси музей раҳбариятини йўқолган асарларни тезроқ топиб, жойига қўйиш ҳамда хавфсизлик чораларини кучайтиришга чақирди.

Прадо 27,5 минг нусхадаги ноёб экспонатларга эга бўлиб, дунёдаги энг йирик ва бой музейлардан саналади.

## GoTenna – Муқобил алоқа



Сайёрамизда ҳали мобил тармоқлар етиб бормаган ҳудудлар бор. Шундай вазиятда яшовчи ва ишловчилар ёки сайёҳлар зарурат юзасидан анчагина қиммат ҳисобланган (500дан 1500 долларгача) Globalstar ёки Iridium сингари йўлдошли телефонлардан фойдаланишга мажбур бўлишади.

Яқиндагина иш бошлаган GoTenna компанияси йўлдошларга уланмасдан ҳам алоқага чиқишнинг муқобил, бунинг устига арзон ечимини топди. Компанияда тайёрланган чўнтак қурилмаси телефонни Bluetooth LE орқали GoTenna хизматига уланган исталган смартфон билан боғлаб, хабарлар алмашиш, GPS координатларни узатишда қўл келади.

Қурилма шаҳарлар ичида 1,6 км. масофада, шаҳардан ташқарида 15 км., баланд тоғларда 80 км.гача масофада сигнални ушлайди.

GoTenna аппаратининг оғирлиги 56 грамм атрофида, узунлиги 14,7 см. бўлиб, қўзғалувчи антеннага эга, аккумулятори бир зарядлишида йил бўйи ишлаб беради. Бир жуфт аппаратнинг нархи дастлабки буюртмачилар учун 149 доллар, кейинчалик сотувда 299 долларни ташкил этиши кутляпти.

## DDoS-ҳужумлар кўпаймоқда

Arbor Networks компанияси 2014 йилнинг биринчи ярмида дунё бўйлаб DDoS-ҳужумлар бирмунча кўпайганини қайд этди. Хусусан, 200 Гб/с.дан юқори интенсивликдаги хуружлар ўтган 2013 йилдагидан икки баравар кўпайган.

DDoS-ҳужумларнинг 15,1 фоизи Жанубий Кореядан, 14,8 фоизи АҚШдан, 6,7 фоизи Хитойдан уюштирилгани кузатилган.



## Яна бир рекорд

Мексиканинг Sisoft компанияси Li-Fi тармоғи орқали 10 Гб/сония тезликда маълумот узатишни удаллади.

Li-Fi тармоғи ишлаш таъмоийли ёруғлик диодли лампалар чўлғаниши кўрсаткичларининг жуда катта тезликда ўзгаришига асосланади. Жараёни ахборотни қайд этувчи маҳсулус чип бошқарса, инсон кўзи пайқамайдиган ёруғлик тўлқинларини алоҳида фотодетектор қайд этади ва маълумотга айлантиради.



## Microsoftда ишсизлик

Microsoft компанияси 18 минтагага иш ўрнини қисқартиради. Реструктуризация 2015 йилнинг 30 июнигача давом этади.

Бугунги кунгача Microsoftда жами 127 минг ходим ишларди, энди уларнинг 14 фоизи ишдан бўшатиладиганлар "қора рўйхати"га киритилган. Шулардан 12,5 минг нафари Nokia Devices and Services бўлимида ишлаб келишарди.



## 5 миллиардлик довонга оз қолди

Strategy Analytics компанияси шохидлик беришча, жаҳон смартфон процессорлари бозори ҳажми 5 млрд. долларга яқинлашиб қолди. Шу йил илк чорагида бир йил олдинги кўрсаткич 25 фоизга яқинлашиб, умумий савдо кўрсаткичи 4,7 млрд. долларни ташкил қилди.

Qualcomm компанияси ишлаб чиқарувчилар орасида яққол етакчилик қилмоқда — бозорнинг 53 фоизи. Apple (16 фоиз), MediaTek (13 фоиз), шунингдек, Samsung ва Spreadtrum компаниялари ҳам шу соҳада илғорлардан саналади.

## Ихтисослашув

Panasonic компанияси мобил алоқа учун база станциялари ишлаб чиқариш бўлиминини сотиб юборади ва автомобиллар электроникаси, турар-жойлар учун қурилмалар каби соҳаларга кўпроқ ихтисослашади, дейилади Kyodo news газетаси тарқатган хабарда.

Япон ишлаб чиқарувчисига энг эҳтимолий харидор сифатида Nokia компанияси қўрилмоқда. Келишув билан боғлиқ барча расмийликлар келгуси йилнинг мартада якунига етади. Олди-сотди қиймати бир неча миллиард иенага баҳоланяпти.



Саҳифани Собит АХАДОВ тасвирлади

Олий ўқув юр்தларига кириш имтиҳонлари бўлиб ўтадиган санага ҳам жуда оз муддат қолди. Абитурientлар имтиҳонларга йил(лар) давомида қанчалик қаттиқ тайёргарлик кўрмасинлар, имтиҳон олдидан ҳаяжон босиши, қавотир ва асабийлик қўзатилиши табиий ҳол. Бу вақтда имтиҳонларга китоб ўқиб, тест, мисол-масала ечиб тайёрланиш билан бир қаторда, руҳий тадорик кўриш ҳам муҳим аҳамиятга эга.



# АБИТУРИЕНТГА 15 тавсия

**Ш**у мақсадда имтиҳон кунига тобора яқин турган абитурientга бир қатор маслаҳатлар тайёрладик. Умид қиламизки, уларга риоя қилиб, имтиҳон вақтида ортиқча хатоларга йўл қўймайдилар.

**1.** Вақтингизни тўғри тақсимланг. Имтиҳонларга тайёргарлик кўришда ўқув фанлари жадвалини қатъий тузиб олсангиз, шошиб қолмайсиз ва ортиқча асабийлашмайсиз. Янги маълумотларни хотирага сақлаётганда миангизда кечувчи жараёнларни тасаввур қилинг: хотира икки хил бўлади — вақтинчалик ва доимий. Вақтинчалик хотирага мия пўстлогли жавобгар бўлса, доимий хотира эса мианинг нисбатан чуқурроқ қисмида жойлашган. Маълумотлар доимий хотирада сақлансагина имтиҳонлар вақтида ёрдам беради. Маълумотларни яхши эслаб қолиш учун уни кўпроқ такрорланг ва доимий хотирада сақланганига ишонч ҳосил қилинг.

**2.** Имтиҳонга тайёрланаман деб, уйқудан бутунлай воз кечманг. Соғлом уйқу саломатлик учун ниҳоятда муҳим. Уйқудан олдин эса энг қийин фандан тайёргарлик кўринг. Чунки уйқу вақтида, юқорида айтганимиздек, ахборотлар вақтинчалик хотирадан доимийсига ўтиш жараёни рўй беради.

**3.** Конспект, дарслик ва қўшимча адабиётларни тартиб билан сақланг. Керак пайтда уларни осонгина топиб олиш имкони бўлсин.

**4.** Овқатланиш тартибига қатъий риоя этинг. Фаст-фуд, кондитер ва бошқа сунъий озик-овқатлардан воз кечиб, мева ва सबзавотлар, ёрмалар, балиқ, туҳум, суг маҳсулотларидан кўпроқ истеъмол қилсангиз, хотирангиз мустаҳкамланади, диққатингиз жамланади, кўриш қобилиятингиз ҳам ёмонлашмайди. Тадқи-

қотларда имтиҳондан олдин балиқ, ёнғоқ, зайтун ёғи, қора шоколад истеъмол қилганлар яхшироқ натижага эришишган бўлса (агарда ушбу маҳсулотларга алергияннгиз бўлма-са), фаст-фуд ва ёғли таом истеъмол қилган талабалар паст кўрсаткичга эришгани кузатилган.

**5.** Охириги дақиқаларгача ўқиманг. Охириги кун тунгача имтиҳонга тайёрланиш вазиятни баттар ёмонлаштириши мумкин. Уйқусизлик ва чарчоқ натижасида мия маълумотлар оқимини назорат қила олмай қолади. Шунинг унутмангки, бир кунда кўп нарсани ўрганишга ҳар қанча уринманг, улгурмайсиз. Ях-шиси, тайёргарликни аввалроқ бошланг ва бир кун қолганда миангизга дам беринг. 31 июл кунни мириқиб ухланг, сайрга чиқинг, ўзингиз яхши кўрган овқатдан истеъмол қилинг, энгилроқ бадиий китоб ўқинг.

**6.** Дарс қилиш учун бир нечта жойни белгилаб олинг. Олимларнинг фикрича, жойнинг ўзгариб туриши мия фаолиятига ассоциация йўли билан таъсир кўрсатади. Яъни, бу маълумотни кутубхонада, бунисини уйда, мана бунисини ўқув марказида ёдлаган эдим, дея эслаб қолишингиз мумкин.

Агарда имтиҳонлар ўтадиган жой-

да тайёргарлик кўриш имкони бўлса, бунинг қўлдан бой берманг. Бу контекстуал хотиранинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Яъни, маълумотлар улар ёдда сақланган жойда осонроқ эсга келади.

**7.** Тайёргарлик жараёнида вақти-вақти билан танаффус қилиб туринг. Бу пайтда миангизни чалгитинг — тоза ҳаводан нафас олинг, озроқ сайр қилинг, бирор нарса еб олинг ва ҳоказо. Бир нарсани унутманг: дам олиб турсангиз, миангиз маълумотларни яхшироқ ўзлаштиради, диққатингиз жамланади, фикрингиз тиниқлашади ва ўзингизни тетик ҳис этасиз. Бироқ дам олиш 15 дақиқадан ошиб кетмасин. Акс ҳолда дарс жараёнига қайтишга қийналиб қоласиз.

**8.** Маълумотларни эслаб қолиш учун махсус карточкалардан фойдаланинг. Уларни ўз қўлингиз билан ясанг, чиройли безак беришни ҳам унутманг. Карточкаларга маълумотларни ёзишда графика, расм, диаграмма, жадваллардан фойдалансангиз, осонроқ эслаб қоласиз. Айниқса, сизда визуал хотира кучли бўлса, сурат ва тасвирлар катта ёрдам беради.

**9.** Материалларни қисмларга ажратиб ўрганинг. Масалан, рангли қалам (флюмастер)лар ёрдамида маълумотларни белгилаб олинг: сариқ қалам — муҳим қоидалар, кўк — формулалар, яшил — давлатлар ва ҳоказо.

**10.** Ўзингизни синов тестлари билан синая туринг. Шунда қайси мавзуда хато қилаётганингнизи биллиб оласиз, руҳий жиҳатдан ҳам тайёргарлик кўрган бўласиз.

**11.** Паст овозда мумтоз мусиқалар тингланг (шундай мусиқа тингланг-ки, унга қўшилиб сиз ҳам куйлайдиган мусиқа бўлмастлиги керак), нафас олиш машқларини бажариб туринг. Булар хотирангизнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

**12.** Энг қийин мавзуларда ўзингиз билан викторина уюштиринг. Ўзингизга мавзу юзасидан саволлар беринг ва уларга жавоб қайтаринг.

**13.** Сизга қизиқ бўлмаган мавзуларга биринчи бўлиб эътибор қаратинг. Қийин мавзуларни ўзлаштирганингиздан сўнг ўзингизни тақдирлашни унутманг, хурсанд қиладиган бирор совға сотиб олинг.


**14.** Имтиҳонга эртарақ келинг. Шунда имтиҳон бошлангунча ўзингизни анча қосиб улгурасиз.

**15.** Дастлаб осон саволлардан бошланг. Ўз жавобларингиздан шубҳаланманг, ички овозингиз(интуиция)га қулоқ тутинг. Қанчалик кўп шубҳалансангиз, тўғри жавобни белгилаш имкониингиз шунчалик камайиб кетади. Баҳсли саволларга кўп вақт сарфламанг, уларга кейинроқ қайтинг.

Тўлқин ЮСУПОВ

## ТАТУга қанча ариза тушди?


Олий таълим муассасаларига абитурientларнинг ҳужжатларини қабул қилиш жараёни 20 июл кунни якунига етди.



Ташкент ахборот технологиялари университети қабул комиссиясига агар ўтган 2013 ўқув йили 8578 абитурientдан ариза тушган бўлса, бу йил 9879 нафар абитурient ушбу олий ўқув юртига ўқишга кириш истагида ҳужжат топширган. Ўтган йил билан таққосланганда фарқ 1301 нафарни ташкил этади.

Бу йилги аризаларнинг 9596таси кундузи бўлимга, 283таси махсус сиртқи бўлимга топширилган. Абитурientлар орасида ҳарбий тавсияномага эга бўлганлар сони 408 нафар.

1 август кунни бўлиб ўтадиган тест синовлари натижаларига кўра, ТАТУга жами 1365 нафар (1315 — кундузи, 50 — махсус сиртқи) талаба ўқишга қабул қилинади.



■ Давлат тест маркази маълумотларига кўра, бу йил мамлакатимиз олий ўқув юр்தларига рекорд даражада — 543 минг нафардан кўпроқ абитурient ўқишга ҳужжат топширган.

## ПОДТВЕРЖДЕНИЕ

принадлежности к субъектам малого бизнеса  
предприниматели могут получить в режиме онлайн

Во исполнение Постановления Президента Республики Узбекистан от 15 апреля 2014 г. "О мерах по дальнейшему совершенствованию процедур, связанных с осуществлением предпринимательской деятельности и предоставлением государственных услуг" на Едином портале интерактивных государственных услуг запущена новая услуга Государственного налогового комитета — "Принадлежность к субъектам малого бизнеса". Эта услуга позволит предприни-

мателям страны получить подтверждение принадлежности субъекта предпринимательства к малому бизнесу в режиме онлайн.

Теперь не выходя из офиса можно получить информацию о численном составе и принадлежности к малому бизнесу от органов налоговой службы Республики Узбекистан и распечатать данную справку.

Данная услуга является бесплатной и предназначена только для юридических лиц, зарегистрированных на Едином портале.

## ЦЕНТР ПРОГРАММИСТОВ

BePro автоматизировал  
библиотеку в Термезе

Центр программистов BePro в сотрудничестве с Национальной библиотекой Узбекистана внедрил третью версию автоматизированной информационно-библиотечной системы (АИБС) KaDaTa в практику работы информационно-ресурсного центра Термезского Государственного университета в Сурхандарьинской области.

Во время поездки в Термез, в течении двух дней специалистами Центра программистов BePro был проведен тренинг по программе АИБС KaDaTa, для сотрудников информационно-ресурсного центра университета, сообщается на сайте Центра программистов BePro.

"Почти каждая библиотека имеет локальный электронный каталог. Но в настоящее время этого мало. Пора свои локальные каталоги предоставлять читателям в удаленном доступе и объединять эти электронные ресурсы с другими библиотеками, — говорит проект-менеджер Центра программистов BePro Ойдин Рустамова. — При этом следует учитывать каким образом будет происходить процесс предоставления электронных ресурсов библиотеки. Не последнюю роль в этом играют внедряемые АИБС, которые должны соответствовать современному уровню развития информационных и телекоммуникационных технологий, обеспечивать решение всего комплекса информационно-библиотечных задач настоящего времени. Одним из основных условий успешного предоставления электронных ресурсов пользователям является правильный выбор программы и правильный подход в обучении сотрудников библиотеки работе с программой".

АИБС KaDaTa Server 3.0 предназначена для крупных библиотек, которая имеет возможность обеспечивать стабильную работоспособность серверного оборудования. Система устанавливается на аппаратном комплексе (сервере) самой библиотеки. Она обеспечивает доступ к информационным ресурсам библиотеки как через локальный сервер, так и интернет, поддерживает автоматизацию всех технологических библиотечных процессов обработки ресурсов и обслуживания пользователей.

АИБС KaDaTa Cloud 3.0 — онлайн информационная система для малых библиотек, практически со всеми возможностями АИБС KaDaTa Server 3.0, позволяющая без инсталляции системы на собственный аппаратный комплекс (сервер) развертывать свою полноценную библиотечную систему через интернет, при этом, позволяет хранить и работать с данными на удаленном сервере (облаке), осуществлять удаленную каталогизацию, а также онлайн импорт записей из удаленных каталогов.

## ЦЕНТР UZINFOCOM

предлагает внедрение системы контроля и управления доступом

В Центре UZINFOCOM разработана и внедрена система контроля и управления доступом (СКУД), что позволило сократить потери рабочего времени и добиться прозрачности в рабочем процессе. В фойе Центра на мониторах видно, кто на работе, кто в отпуске, кто отсутствует по разным причинам.



Каждый сотрудник, авторизовавшись, может посмотреть свою посещаемость и опоздания за текущий или любой выбранный месяц. Облегчилась работа бухгалтерии и отдела кадров по ведению табеля рабочего времени, кроме того руководители и все сотрудники видят открытую посещаемость и наличие сотрудников.

Регистрация прихода-ухода с идентификацией сотрудника производится поднесением к считывателям персональных ID-карт с RFID-меткой.

Внедрение СКУД сократило количество опозданий и пропусков, снизило потери рабочего времени.

Также СКУД позволяет ограничить посещение некоторых помещений определенным кругом лиц. Так, например, вход в помещения Датацентра UZINFOCOM строго регламентирован и допуск есть только у определенных сотрудников.

Разработка признана успешной представителями организаций, познакомившихся с работой СКУД. Уже есть заявки на внедрение СКУД. Например, система уже внедрена и функционирует в Государственном комитете связи, информатизации и телекоммуникационных технологий.

[blog.index.uz](http://blog.index.uz)

## РАЗРАБОТАН

программный продукт  
для махалли

Программный пакет "Махалля" для компьютерной системы управления в городских и сельских условиях разработан сотрудниками Каршинского инженерно-экономического института.

Программный продукт позволяет формировать точные базы данных в местных органах самоуправления граждан и составлять на этой основе долгосрочные прогнозы социально-экономического развития в целях повышения жизненного уровня населения, сообщает "Правда Востока".

Среди собираемой информации — сведения о жителях махалли, их семьях, демографической ситуации, предпринимательской деятельности. Этим программным продуктом смогут воспользоваться и интересующиеся социальной тематикой специалисты научных организаций.

## МОБИЛЬНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ UZTE

доступны к оплате через CLICK



Пользователи CLICK могут приобретать мобильные телефоны торговой марки UZTE через систему CLICK. Скидки на некоторые модели достигают 34%.

К системе CLICK подключился новый поставщик — производитель мобильных телефонов UZTE. Пользователи CLICK могут выбрать себе понравившиеся модели телефонов из выпускаемого модельного ряда и оплачивать их со счета своей пластиковой карты.

Пользователи могут выбрать понравившуюся модель телефона и оплатить за нее как со своего компьютера, посетив "Личный кабинет" ([my.click.uz](http://my.click.uz)), так и с мобильного телефона (раздел "MARKET" в USSD-меню). Получить выбранные товары можно

из офиса компании UZTE, расположенного по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский р-н, ул. Бобура, 34 (ориентир: главные ворота парка Бобура). В скором будущем планируется запуск доставки по адресу заказчика.

"Начало сотрудничества с компанией UZTE и представление их продукции для пользователей CLICK очень важно для нас, так как оно еще раз подтверждает наше стремление максимально расширить возможности онлайн-покупок для наших пользователей. И, конечно, мы уверены, что пользователям CLICK очень понравятся предоставленные скидки и низкие цены", — отметил директор ООО "CLICK" Улугбек Рустамов.

Министерством финансов Республики Узбекистан от 16 июля 2014 года декларированы тарифы № МА/15-04-Уз-2014/9 Государственного унитарного предприятия "Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения" Государственного комитета связи, информатизации и телекоммуникационных технологий Республики Узбекистан

УТВЕРЖДЕНО  
приказом Государственного унитарного предприятия "Центр радиосвязи, радиовещания и телевидения" от 17 июля 2014 года № 231

## ПРЕЙСКУРАНТ № 125-1/4

### ТАРИФЫ НА УСЛУГИ РАДИОСВЯЗИ, ТРАНСЛЯЦИИ РАДИОВЕЩАТЕЛЬНЫХ И ТЕЛЕВИЗИОННЫХ ПРОГРАММ

Вводится в действие с 17 июля 2014 года

№	Наименование и краткая техническая характеристика продукции (изделия, услуги)	Предельные тарифы (включая налог на добавленную стоимость) на использование технических средств радиовещания, телевидения и радиосвязи, сум за 1 программу - час:	
		областных структурных подразделений	Ташкентской телебашни
1	2	3	4
<b>I. Услуги трансляции радиовещательных программ (аналоговое вещание)</b>			
Передатчики радиовещательные мощностью:			
1.	10 Вт	592	
2.	100 Вт	783	
3.	250 Вт	1103	
4.	500 Вт	1150	
5.	1 кВт	2 395	3 964
6.	2 кВт	2 818	4 983
7.	4 кВт стерео		6 606
<i>Примечание: Стереофонические передатчики МВ ЧМ вещания, транслирующие как моно, так и стереопрограммы, оплачиваются по тарифам стереовещания за все время работы передатчика.</i>			
<b>II. Услуги трансляции телевизионных программ (аналоговое вещание)</b>			
Передатчики телевизионного вещания мощностью:			
8.	1 Вт	121	
9.	10 Вт	208	
10.	30 Вт	232	
11.	100 Вт	1055	
12.	150 Вт П-Ильмень	1 423	
13.	200 Вт	1 573	
14.	250 Вт	1 703	
15.	300 Вт	1 811	
16.	500 Вт	2 130	
17.	1 кВт	2 739	10 535
18.	2 кВт	3 767	
19.	2,5 кВт	5 044	12 455
20.	5 кВт	7 251	14 247
21.	10 кВт	10 749	19 688
22.	20 кВт		21 504
<b>III. Услуги для обеспечения трансляции радиовещательных программ и телевизионных программ (аналоговое и цифровое вещание)</b>			
Организация канала подачи по РРЛ и кабельным линиям, эфирный прием радиовещательной программы и телевизионной программы для обеспечения их трансляции (аналоговое и цифровое вещание)			
23.	Предоставление канала телевизионного вещания, канал - км / час	15,5	15,5
24.	Организация систем эфирного приёма для трансляции телевизионных программ, программа / час	175,7	175,7
Предоставление канала звукового вещания с номинальным диапазоном частот, канал - км / час:			
от 50 Гц до 10000 Гц			
25.	моно	2,4	2,4
26.	стерео	4,4	4,4
от 50 Гц до 6400 Гц			
27.	моно	2,4	2,4
28.	Выделение программы телевизионного аналогового и цифрового вещания, за 1 час выделение	102	102
29.	Выделение программы звукового вещания, за 1 час выделение	87	87
30.	Коммутация телевизионной программы аналогового и цифрового вещания, за 1 час коммутации	1 071	1 071
31.	Резервирование коммутации телевизионной программы аналогового и цифрового вещания, за 1 час коммутации	363	363
32.	Коммутация радиовещательной программы, за 1 час коммутации	351	351
33.	Резервирование коммутации радиовещательной программы, за 1 час коммутации	119	119
34.	Обслуживание кабельных линий, канал - км/час	5,4	5,4
<b>IV. Услуги трансляции телевизионных программ (цифровое вещание)</b>			
Передатчики телевизионного вещания мощностью:			
35.	10 Вт	735	882
36.	30 Вт	1 140	1 307
37.	50 Вт	1 190	1 429
38.	100 Вт	1 542	1 853
39.	500 Вт	2 197	2 770
40.	1 кВт	2 492	2 990
41.	2 кВт	3 961	4 751
42.	2 кВт (цифровое телевидение формата HD)		14 252
43.	2,3 кВт	4 554	5 464
44.	2,3 кВт (цифровое телевидение формата HD)		16 391
45.	2,5 кВт	5 291	6 350
46.	2,5 кВт (цифровое телевидение формата HD)		19 051
47.	5 кВт	6 363	7 636
<b>V. Услуги ретрансляции спутниковых телерадиопередач (аналоговое вещание)</b>			
48.	Передающая наземная станция спутниковых сигналов телерадиопрограмм	143 666	-
49.	Спутниковые приемные системы сигналов телевидения и радиовещания (стерео)	348	-
Передатчики телевизионного вещания мощностью:			
50.	10 Вт	687	-
51.	100 Вт	1 816	-
52.	1 кВт	4 472	-
Радиовещательные передатчики FM диапазона мощностью:			
53.	10 Вт	591	-
54.	100 Вт	1 541	-
55.	1 кВт	3 114	-
<b>VI. Услуги радиосвязи</b>			
Передатчики радиосвязи мощностью:			
56.	1 кВт	875	-
57.	5 кВт	2 269	-
58.	10 кВт	1 901	-
59.	15 кВт	2 591	-
60.	20 кВт	4 678	-

## Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим

## Эътибордан қанот ёзиб



**Мустақиллик қадим қарвон йўллари тўташган, илм-фан, маданият бешиклари-дан саналмиш Самарқанднинг нуфузини тиклади, бу кўҳна заминга буюк Амир Темурининг арсонавий боғларини қайтариб берди. Бугун у хоҳ санат бўлсин, хоҳ фермер хўжалиги, хизмат кўрсатиш ёки таълим соҳаси, ҳуллас, истиқлол офтоби тушган соҳа борки, ривожланиш йўлида. Энг асосийси, фаолиятимизга, ҳаётимизга мазмун кирди, ниманки қилмайлик шу саховатли заминда яшовчилар, буюк аجدодларимиз хотираси, келажак авлодларимиз фаровонлиги, шу азиз ватан равнақи учун.**

Хизмат кўрсатиш соҳалари, хусусан, алоқа хизматларини ривожлантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётига олиб киришга мамлакатимиз мустақиллигининг мак йилларидан катта эътибор берилди бошлаган. Айниқса, кейинги йилларда, давр талабига қараб, бу жараён янада тезлашиб кетди. Самарқанд вилоятида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш мақсадида, вилоят ҳокимлиги томонидан "Самарқанд вилоятида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада ривожлантиришнинг 2014 йил дастури" ҳамда "Самарқанд вилоятида 2014 йилда интерактив давлат хизматларини жорий қилиш ва ривожлантириш дастури" тасдиқланган бўлиб, шу асосда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Ўн йилдан буён Самарқанд вилоят техник радионазорат станциясида ишлаб келаётган бўлсам, эришган ютуқларимнинг барчаси, албатта, давлатимиз қиллиги шарофатидан, Президентимизнинг биз ёшларга бўлган ишончидан деб биламан.

Ўз меҳнат фаолиятим давомида қўрган ва билганларимни солиштирадиган бўлсам, корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида олдинлари бир вазифа бир неча техника ёрдамида, катта куч сарфлаб амалга оширилган бўлса, ҳозирда ушбу техникалар ўрнини махсус дастурий таъминотлар эгаллади, улар автоматлашган, ўз хотирасига ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятига эга. Шунинг ҳам айтмасам бўлмайди, корхонамиз томонидан ходимлар малакасини ошириш йўлида қилинаётган сайё-ҳаракатлар энг сўнгги замонавий техникалар билан ишлашимизда, зиммамиздаги вазифаларни сифатли бажаришимизда бизга қанот бўляпти.

Хуршид ТОЖИЕВ,

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК

Самарқанд техник радионазорат станцияси 1-тонфали муҳандиси

ФАКТ

Вилоят, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ходимлари 100 фоиз, вилоят бошқарма ва ташкилотлари 1192та электрон рақамли имзо билан таъминланган.

Самарқанд вилояти

# Асрий

## Бугунги талаба — эртанги муҳандис

Мамлакатимизда ахборот-коммуникация ҳамда инновацион технологияларни ҳаётга татбиқ этиш, юксак технологияларни жорий қилиш, жамиятни ахборотлаштириш ва ушбу соҳа бўйича малакали ва маънан етук мутахассис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиалида таълим, тарбия, ташкилий ва илмий-тадқиқот ишлари мунтазам равишда амалга ошириб келинмоқда.

ТАТУ Самарқанд филиалида 2та факултет ва 7та кафедра мавжуд.

Филиал янги биносининг 2011 йилда ишга тушиши муносабати билан уч қаватли замонавий бинода 30та ўқув аудиторияси, 10та компютер хонаси, 2та ўқув лабораторияси, биттадан видеоконференция зали, мультимедиа синфи, лингафон синфи, электрон кутубхона ва ахборотлаштириш маркази талабаларга хизмат кўрсата бошлади.

Барча машғулотлар замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида олиб бориляпти. Ҳар бир фан бўйича зарур материаллар ўқув услубий мажмуа сифатида шакллантирилган. Кафедраларда ҳаммаси бўлиб 104та ўқув услубий мажмуа яратилди. Ўқув жараёнига хизмат қилувчи техник жиҳозлар йилдан-йилга бойитиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда филиалда барча дарслар электрон тақдимотлар асосида мультимедиа воситалар ёрдамида ўтилмоқда. Масофавий электрон таълим усуллари кенг жорий қилинган. 2014 йил давомида ТАТУнинг мутахассислик кафедралари томонидан 9та фан бўйича масофавий дарслар видеоконференция шаклида ташкиллаштирилди ва филиалимиз талабалари ушбу дарсларда тўлиқ қатнашдилар.

Интернет технологиялари ўқув жараёнига кенг қўламда татбиқ этилмоқда. Ўқув жараёни учун ажратилган 250дан зиёд компютернинг ҳаммаси интернетга уланган ва уланиш тезлиги замонавий мейёрларга мос келади. Талабалар нафақат аудитория дарсларида, балки мустақил иш, курс ишлари, битирув малакавий ишлари ва магистрлик диссертацияларини бажаришда интернет ресурсларидан тўлиқ фойдаланишляпти.

Мустақиллик йилларида эришилган яна бир ютуқ



— чет тилларига, хусусан, инглиз тилига қизиқишнинг ортиши — бизнинг талабаларимиз, илмий ходимлар ва профессор-ўқитувчиларимизга ҳам хосдир. 1, 2 ва 3-босқичларда барча талабаларимиз учун чет тили (инглиз, немис ёки француз тили) дарслари, 4-босқич талабалари учун эса амалий инглиз тили дарслари ўтилмоқда. Ҳар йили 3-4 нафар талаба ўзининг битирув малакавий ишини инглиз тилида ёзиб ҳимоя қиляпти.

2011-2014 ўқув йили филиалимизнинг қисқа тарихида илм соҳасида ютуқлар йили бўлди. Ходимларимиздан икки нафар докторлик, беш нафари номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилди.

2011 йили филиалда Малайзиянинг Путра университети ҳамда Мари технология университети-нинг математика ва информатика соҳасидаги олимлари билан учрашув амалга оширилди ва ўзаро фикр алмашилди.

Филиалимизга 2014 йили Япония, Жанубий Корея, Малайзиядаги нуфузли университетлар профессор-ўқитувчилари ташриф буюрдилар. Улар билан ҳамкорликда илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш, бакалавр ва магистрларни ўқишга, ўқитувчиларни малака оширишга жўнатиш масалалари келишиб олинди. Ҳозиргача икки нафар ўқитувчимиз Корея Республикасининг Инха ва Чунг-Анг университетларида тўрт ой малака ошириб келди. Яна икки нафар ўқитувчимиз сентябрдан тўрт ойлик малака оширишга бориш учун суҳбатдан ўтиб келди.

Мониторинг натижаларига қўра, битирувчилар ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётининг реал соҳаларида иш фаолиятларини олиб бормоқда. Магистратура мутахассислигини битирганларнинг асосий қисми олий таълим ва ўрта махсус касб-хунар таълимида иш фаолияти билан биргаликда илмий фаолиятини ҳам давом эттирмоқда. Жумладан, уч нафар фан номзоди диссертациясини ёқлади, тўрт нафари ёқлаш арафасида.

Қосим БЕКМУРОДОВ,

ТАТУ Самарқанд филиали директорининг ўқув ва илмий ишлари бўйича ўринбосари

ФАКТ

ТАТУ Самарқанд филиалини 2006-2014 йилларда бакалаврият таълим йўналишида 2094 нафар, магистратура йўналишида 116 нафар талаба битирди.





# сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

## Китоб – кўнгил кўзгуси

Мустақиллик мамлакатимиз кутубхоначилик тизимига янги руҳ, янги қиёфа бахш этди. Китобга, китобхонга муносабат, умуман, билим олишга ёндашув ўзгарди. Албатта, бугунги китобхон аввалгиларидан тубдан фарқ қилади. У кутубхонага шунчаки китоб мутолаа қилиш учун келмайди, балки кўпроқ илм олишни, хорик тилларини ўрганишни истаиди. Табиийки, эскича ишлаш тартиби билан бу талабни бажара олмасдик. Кейинчалик кутубхоналар негизда ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказларининг ташкил этилиши, Ўзбекистон Республикасининг "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг қабули қилиниши ана шундай талаб-истакларга ўз вақтида берилган жавоб бўлди.

Фаолиятимизга ахборот технологияларининг кириб келиши натижасида янги-янги дастурий таъминотлар, электрон каталоглар, тўла матнли база, мултимедиялар яратилди, интернет хизматлари йўлга қўйилиб, KaDaTa дастури жорий этилди. Бугунги кунда Самарқанд вилоят АКМ китоб фонди 85 фоизининг электрон каталоги мавжуд.

Айтиш жоизки, кутубхоначилик соҳасига АҚТнинг кириб келиши натижасида АКМ манбаларидан фойдаланиб, 50га яқин мултимедиялар яратилди.

Вилоят АКМ ўзининг локал ҳамда корпоратив тармоғига эга, оптик толали кабел тармоғига уланган. Натижада ягона йиғма электрон каталог республика кутубхона маркази билан тўғридан-тўғри боғланди.

Шаҳодат АҲМЕДОВА,

Пушкин номидаги Самарқанд вилоят АКМ директори



ФАКТ

■ 2013 йилнинг декабр ойида вилоят АКМ тезкор сканер, муқовалаш ва қоғоз кесиш жамланмасига эга бўлди. Шу ускуна ёрдамида ҳозиргача АКМ жамғармасидаги **2,5 минг** нусха адабиёт рақамлаштирилди ёки жорий йилнинг охиригача **5 минг** нусха адабиётнинг тўла матнли базаси яратилади.

# орзулар рўёби

## Мақсадимиз – мижоз кўнглига йўл топиш

"Алоқабанк" — истиқлол йилларида ташкил топган. Шу боис, янги давр, янги муҳит бизнинг бутун фаолиятимизда шундоққина бўй кўрсатиб турибди, десам асло муболага бўлмайди. Соҳамизнинг бошқа қорхона ва ташкилотлари қатори ўтган йиллар давомида филиалимиз ҳам вилоятимиз иқтисодида, халқимиз орасида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди. Қилинган амалий ишлар самараси сифатида 2011 йили филиал замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган янги, уч қаватли бинога кўчиб ўтди.

Замонавий банк технологиялари ҳамда янги банк хизмат турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилгани боис, аҳоли орасида омонатчилар сони 667та, пластик карталардан фойдаланувчилар сони 22503та, виза халқаро пластик карталаридан фойдаланувчилар 153та, юридик ташкилот ҳамда яққа тартибдаги тадбиркор мижозлар сони 532тага етказилди.


Банк ўз мижозларига қулайлик яратиш мақсадида "Банк-Мижоз", "Интернет-Мижоз", "СМС-Банкинг" каби масофавий банк хизматларини кенг жорий этипти. Умуман, охириги пайтларда мобил ва онлайн хизматларнинг кенг татбиқ этилаётгани мижозларимизга ўз ҳисоб-рақамларини тез бошқариш имконини бериб, уларнинг қимматли вақтларини тежамоқда.

Отабек ЖАЛИЛОВ,

ОАТ "Алоқабанк" Самарқанд филиали бошлиғи ўринбосари

ФАКТ

■ Вилоят ҳоқимлигининг расмий веб-сайти ([www.samarkand.uz](http://www.samarkand.uz)) орқали **20**та (12та базавий ва 8та қўшимча) интерактив давлат хизмати кўрсатиляпти.



## Буюк неъмат

Имконият — каттаю кичик, турли касб эгаларига мустақиллик берган неъмат. Биргина ўзимнинг касбим, ҳаётим мисолида бунга амин бўлдим, ана шу буюк неъматдан баҳраманд бўлдим. Мустақиллик йилларида мактабга, ахборот технологиялари коллежида ўқидим, бинойидек касб этасига айландим. Рақамли технологияларни фаолиятимизга олиб кириб, абонентларга кўрсатилаётган телефон алоқаси сифат кўрсаткичларини тобора ошираётганимиздан мамнунман. Турмуш ўртоғим билан ҳам ишда танишганмиз, кўнгли кўйишиб, 2008 йили турмуш қурдик. Икки нафар фарзандга бахтиёр ота ва онамиз. Ферузахон ва Бехрузбеклар ҳозирда ноқил инглиз тилини ўрганишяпти. Уларнинг шу юртва муноиси камол топишларини истаимиз. Ҳавасларимиз, режаларимиз олам-олам.

Фирдавс ИБРАГИМОВ,  
Самарқанд шаҳридаги  
231-АТС кабел пайвандловчиси

## Бу ҳали ҳаммаси эмас

Мустақиллик биз — алоқачилар учун соҳага янги технологияларнинг кириб келишига йўл очгани билан яна бир бор қадрлидир. Шу баҳона бугун аҳоли ташкилотларга сифатли хизмат кўрсатиб юзимиз ёруғ бўляпти-да. Истиқлолнинг илк йилларидан моддий ва маънан эскирган, лампали, электр энергиясини кўп сарфлайдиган теле ва радиоузатгичларнинг баҳридан ўтиб, ўрнига замонавий ярим ўтказгичли узатгичларни ўрнатишга катта иштиёқ билан киришдик.

Жумладан, 2005-2006 йиллари Япония компаниялари кредитлари асосидаги "JBIC" лойиҳаси бўйича РТУМнинг барча РТСларига 7та телеузатгич ўрнатилиб, ишга туширилди.

2006 йилнинг октябр ойидан бошлаб Самарқанд РТУМга Хитойнинг "Эскимбанк"и кредити асосидаги "Йўлдошли алоқа тизимларидан фойдаланиб телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш" лойиҳаси бўйича телерадиоузатгичларни етказиб бериш бошланди ва ўша йилнинг охиригача ўзимизнинг мутахассислар бу узатгичларни монтаж қилиш, сошлаш ва ишга тушириш ишларини тўлиқ уддалашди.

Миллий телевидениемиз тарихидаги улкан воқеа — рақамли телевидениенинг жорий этилиши, айниқса, мени мамнун этади, ўз фаолиятимдан қониқиб ҳиссини туйдиради. Жумладан, 2010 йили Чўпонота радиотелевизион узатиш станциясида 12 дастурга мўлжалланган рақамли телеузатиш тизими ўрнатилиши билан вилоятимиз аҳолиси республикамизда биринчилардан бўлиб юқори сифатли телекўрсатувлардан баҳра ола бошлади. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Биз шу тобгача 2015 йили Самарқанд ва Жиззах вилоятларида ўрнатиладиган радиотелеузатиш қурилмалари ва антенна-фидер ускуналари жойларини аниқлаш ишларини якунладик. Бу ускуналарни ҳам ўрнатиб бўлсак, вилоятларимиз аҳолисига тортиқ этиладиган рақамли телевидение каналлари ва дастурлари сони икки-уч ҳисса ошади. Бир пайтлар буни ҳатто орзу ҳам қилмас эдик.

Мардон ЭРГАШЕВ,  
Самарқанд вилояти радиотелевизион узатиш маркази бош муҳандиси

ФАКТ

■ Вилоятда солиқ ҳисоботларини электрон шаклда топшириш улуши **96,2** фоизни (23 437та субъект), статистика ҳисоботларини электрон шаклда топшириш улуши **91,0** фоизни (17 462 минг субъект) ташкил этмоқда. Жорий йил охирига қадар солиқ ва статистика ҳисоботларини электрон шаклда топшириш улушини **100 фоизга** етказиш кўзда тутилган.

Кўшсаҳифани Самарқанд вилоятидаги муҳбиримиз Абдуғафур ҲОТАМОВ тайёрлади.

Улар институтда бирга таҳсил олишди. Ягона мақсад – Ўзбекистонда кимё фанини ривожлантириш, шу йўл билан юрт ривожига ҳисса қўшиш нияти уларни яқинлаштирди ва ниядада турмуш қуришга аҳд қилишди. Биргаликда қурган ошёнларида икки фарзанд дунёга келди. Уларнинг ҳар иккисига ҳам ота-она ҳаёти андоза бўлиб, илм йўлини танлашди.

## Ота-она андоза

Оила соҳиби, Ўзбекистон Фанлар академияси академиги, республикада кимё соҳасини ривожлантириш йўлига умрини бахшида этиб, қатор масъул лавозимларда меҳнат қилган Нусрат Парпиев 84 ёшида ҳам фаолиятини давом эттирипти — Ўзбекистон Миллий университетда талабаларга кимёдан сабоқ бермоқда. Рафиқаси, узоқ йиллар Тошкент политехника университетиди талабаларни кимё фани сир-асрорларидан огоҳ этган Ҳамида ая кексалик гаштини суряпти. Оила тўнғичи, тиббиёт фанлари доктори Наргиза Парпиева Ўзбекистон Республикаси бош фтизиатр врачлари, Тошкент Тиббиёт академияси кафедра мудири. Иккинчи фарзанд Нодир Парпиев эса алоқа соҳасини танлаган — "UNICON.UZ" давлат унитар корхонаси иқтисодиёт ва почта алоқаси илмий-тадқиқот департаменти раҳбари. Бугунги ҳикоямиз ҳам Нодир ПАРПИЕВнинг ҳаёт йўллари ҳақида.

1981 йили ўрта мактабни битирган Нодир ўша йилнинг ўзидаёқ юқори балл тўплаб, Бухоро технология институтига ўқишга киришга муваффақ бўлди. У ҳали талаба бўлма-сиданоқ ота-она касбига қизиққанлиги боис кимёга оид кўп нарсаларни билар, шунинг учун ҳам институтдаги ўқиши давомида доимо юқори натижаларни қўлга киритарди. 1986 йили институтни имтиёзли диплом билан тугаллагач, йиғиллик бурчини ўташ учун жўнаб кетди. Оилада ўргангани — қатъий тартиб-интизомга риоя этиш одати ҳарбийликда янада мустаҳкамланди.

— Меҳнат фаолиятимни Тош-

кент политехника университетининг "Кимё жараёни ва соҳани автоматлаштириш" кафедрасида муҳандисликдан бошладим, — дейди Нодир Парпиев биз билан суҳбатда. — Сунгра лаборатория мудири бўлиб ишладим. Кейинчалик саккиз йил давомида "Теско" Ўзбекистон — Че-


**Излаган имкон топади, деганларидек Нодир Парпиев масъул ишларидан вақт орттириб, ўқиш, излашни тарк этмади ва 1995 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.**

хия қўшма корхонасига раҳбарлик қилдим. Биз автомат телефон станцияларини янгилаш, бир-бирига мослаш, янги очилган уяли алоқа станциялари ускуналарини АТСларга улаб бериш каби ишлар билан шуғулланардик. Бу корхонада ишлай туриб, аввало, алоқа соҳасига меҳрим тушди, қолаверса, тижоратни ўргандим. Бу эса кейинги фаолиятимда қўл келди.

Нодир Парпиевни 2003 йили "UNICON.UZ" ДУКга ишга таклиф этишди. Бу ерда у бир йил давомида корхона тижорат бўлими бошлигининг ўринбосари вазифасида ишлаб, кўплаб алоқа корхоналари билан шартномалар тузишга, марказнинг иқтисодий ҳолатини яхшилашга эришди. Кейинчалик "Инфосистема" корхонаси раҳбарининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаган пайтларида эса махсус ахборот хавфсизлиги ўқув марказига раҳбарлик қилди. У бу ерга келувчиларга ўта шиддаткор, интернет орқали ахборотлар оқими тўхтовсиз кириб келаётган бугунги даврда ахборот хавфсизлигини таъминлаш гоёат муҳим масала эканлигини тўлиқ тушунтириб, уларни доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга чорлади.

Иқтидорли мутахассис 2011 йилда яна кадрдон корхонаси — "UNICON.UZ"га қайтиб, аввал электрон рақамли имзо маркази раҳбари бўлиб ишлади. Сўнг электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш марказларини ривожлантиришга кўмаклашиш хизмати бошлиғи вазифасида фаолият юритган бўлса, айна пайтда у иқтисодиёт ва почта алоқаси илмий-тадқиқот департаментини бошқаряпти. Излаган имкон топади, деганларидек Нодир Парпиев масъул ишларидан вақт орттириб, ўқиш, излашни тарк этмади ва 1995 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Техника фанлари номзоди Нодир Парпиев Олий Мажлис ишчи гуру-



ҳининг аъзоси сифатида ҳам ахборот хавфсизлиги, электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат ҳақидаги қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиб, хулоса бериш ишларида фаол иштирок этмоқда.

Нодир Парпиевнинг кўпчилик ҳавас қиладиган ажойиб оиласи бор. Рафиқаси Дилдорахон врач-невролог, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАК марказий поликлиникасида ишлайди. Қизи Дийра Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисод факултетида таҳсил олаётган бўлса, ўғли Дониёр юртимизда ёшларга яратиб берилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, академик лицейлардан бирига киришга тайёрланыпти. Уларга ҳам ота-она йўли андоза бўляпти.

— Нодиржон бу йил ўзининг 50 ёшини қаршиляяпти, — дейиши ҳамкасблари. — Бу инсоннинг айна камолот ёшидир. Биз ҳам унинг янада ғайрат-шижоат билан ишлаб, янгидан-янги зафарларни қўлга киритишига, шу йўл билан корхонамиз ривожига янада кўпроқ ҳисса қўшишига ишонамиз.

Муборак МИРКАМОЛОВА

## НАФАҚА ЁШИ ҳар кимга ҳам насиб қилсин!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Самарқанд филиали касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда соҳада узоқ йиллар меҳнат қилиб, пенсия ёшига етган алоқачиларни нафақага қўзатиш тadbирини ўтказди. Тадбирда 11 нафар фахрий алоқачилар пенсияга қўзатилди.

Халқ хизматидан ҳоридим демай меҳнат қилган алоқа ходимлари — тармоқ пул жўнатмалари бўлими бошлиғи Олга Ким, саралаш бўлими ходими Майрамоў Эшонқолова, Самарқанд шаҳар 11-алоқа бўлими бошлиғи Манзура Мансурова, "Галаосиё" алоқа бўлими бошлиғи Тураой Шодиева, 1-алоқа бўлими хабарчиси Жамила Шариповалар ҳамда бошқалар сўзга чиқиб, соҳада 30-35 йилдан бери ишлаб, ўз касбига содиқ ҳолда униб-ўстанлари, жамоат ишларида фаол қатнашиб, малакали ва билимли шогирдларни етиштирганлари ҳақида жўшиб гапирдилар.

Корхонанинг почта хавфсизлиги бўлими бошлиғи Зулфия Субҳонова, корхона бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раиси Дилшоода Мухторова, шаҳар почта

алоқаси тармоғи ишлаб чиқариш технологиялари мутахассиси Шокир Норхўжаев, алмашув маскани бошлиғи Суҳроб Комилов, 17-алоқа бўлими бошлиғи Галина Савкова, 54-алоқа бўлими бошлиғи Наташа Зубова, 1-алоқа бўлими бошлиғи Зулхумор Салоҳиддиновалар нафақага чиқаётган устозларига ўз миннатдорликларини билдиришди.

Тадбирни уюштиришда Самарқанд шаҳар почта алоқаси тармоғи цех касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шавкат Сатторов ва фаол Ғайрат Ярлақабовлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Нафақа ёши қўтлуг бўлсин, азиз алоқачилар!

Ҳ.АБДУҒАФУРОВ  
Самарқанд вилояти

## Навбат — республика босқичига

Республика алоқа ходимлари ўртасида ташкил-лаштирилган стол тенниси мусобақаларининг Бухоро вилоятида 3-босқичи ўтказилди. Унда "Ўзбек-телеком"АК ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиаллари, радиотелевизион узатиш маркази, "Матбуот тарқатувчи" шўба корхонаси, вилоят ахборот-кутубхона маркази, "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг 5-боғламасидан 20дан ортиқ спортчи иштирок этди.

Якуний натижаларга биноан, 35 ёшгача бўлган ҳаваскор спортчилар ўртасидаги баҳслар "Ўзбек-телеком"АК Бухоро филиали, шаҳарлараро алоқа телефон станциясининг 1-тоифали муҳандиси Фаррух Рабиев ҳамда вилоят ахборот-кутубхона маркази 1-тоифали кутубхоначиси Махсуда Ботирова устунлигида ўтди. 35 ёшдан катта бўлган теннисчилар иштирокидаги мусобақаларда эса "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг 5-боғламаси цех бошлиғи Аброр Мухаммедов ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали директорининг ўринбосари Мубина Абдуллаева яхши натижаларга эришди. Улар республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Асқар ИСТАМОВ,  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги муҳбири



Азиз юртдошлар!  
Сизларни яқинлашаётган  
**РАМАЗОН ҲАЙИТИ**  
билан қутлаймиз.

Ушбу умидбахш кунда барчангизга  
сиҳат-саломатлик, тинчлик-  
хотиржамлик, хонадонларингизга  
файзу барака тилаймиз!

**“ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ” ДУК  
ЖАМОАСИ**

**“Ўзбектелеком” АК  
НАМАНГАН ФИЛИАЛИ  
ЖАМОАСИ**

Мамлакатимиз аҳолисини  
**РАМАЗОН ҲАЙИТИ —**  
**Ийд ал-Фитр**  
билан муборакбод этади.

Хонадонингиздан қут-барака,  
меҳр-оқибат аримасин.  
Қалбингиз имон нурлари билан тўлсин!

**“РАДИОАЛОҚА, РАДИОЭШИТТИРИШ  
ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ МАРКАЗИ” ДУК  
филиали жамоаси**

Юртдошларимизни  
**РАМАЗОН ҲАЙИТИ —**  
билан муборакбод этади.

Серқуёш  
заминимиз обод,  
дастурхонимиз  
тўкин бўлсин.



**Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва  
телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси**

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 49-бандига асосан:

“VILOYAT KOMPYUTERLASHIRISH MARKAZI” давлат унитар корхонасининг (Навоий ш.) аризасига мувофиқ маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003803 рақамли;

“NVISIONGROUP-ASIA” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0003768 рақамли;

“ASLAN-NET” масъулияти чекланган жамиятининг (Урганч ш.) аризасига мувофиқ ўз тармоғини ташкил этиш ҳуқуқсиз маълумотлар узатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004615 рақамли;

“FON” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятига берилган АА серияли 0004739 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2014 йил 18 июлдан тугатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги “Телекоммуникациялар ва почта алоқаси соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 458-қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомнинг 23 ва 52-бандларига асосан:

“Nihol muslim biznes” масъулияти чекланган жамиятининг (Сирдарё вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятига 2014 йил 17 мартда берилган АА серияли 0004943 рақамли;

“TELECOM TRADING” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича фаолиятига 2014 йил 16 апрелда берилган АА серияли 0004980 рақамли лицензиялар бекор қилинди.

*Табриклаймиз!*

“Ўзбектелеком” АК Фарғона филиали жамоаси Бағдод ТБ ва Фарғона шаҳар ТБ ходимлари Мирзадавлат САРИМСОҚОВ ҳамда Абдужаббор ТОЖИБОЕВларни 55 ёши, Марғилон ШТБ ва Қўқон ШТБ ходимлари Одилжон МАРАСУЛОВ ҳамда Бахтиёржон АСТРАҚУЛОВларни 50 ёши билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини кўришларини тилайди.

(Охири. Бошланиши ўтган сонда.)

Электрон кутубхона ғойси жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги университетлар ва йирик кутубхоналарда татбиқ қилинмоқда. Масалан, Японияда янги технологияларни татбиқ қилиш агентлиги, Парламент миллий кутубхонаси, бир қатор вазириликлар, 20дан ортиқ кутубхона ва маданий марказлар ўз кучларини бирлаштириб "XXI аср кутубхонаси"ни яратишга киришганлар.

Бир неча йил аввал АҚШ конгресси кутубхонаси электрон кутубхона яратиш миллий дастурини амалга ошира бошлади. 1994 йилдан бошлаб АҚШда NSF, DARPA ва NASA ташаббуси билан Digital Libraries Initiative (DLI) электрон кутубхоналар бўйича тадқиқот дастури иш бошлади. Мазкур дастур ривожининг 2-босқичида 1998 йилдан бошлаб бу дастурлар ягона тармоқларо дастурга бирлаштирилди.

Бу дастурга Миллий тиббиёт кутубхонаси, АҚШ статистика агентлиги, Миллий гуманитар фонд, АҚШ Миллий архиви киритилди. 1995 йилдан бошлаб Буюк Британия Миллий дастури — ELIB амалга оширилди. Бир қатор мамлакатлар (Канада, Германия ва бошқалар)да яратилган электрон кутубхоналар ҳақидаги турли тарқоқ лойиҳалар миллий ва халқаро лойиҳаларга айлана бошлади. Электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланиш бир қатор лойиҳалар (КЕС) дастури доирасида амалга оширилди. Бугунги кунда электрон кутубхоналар яратиш ва фойдаланиш "Информацион жамият технологиялари" дастури доирасида КЕС дастурига киритилган.

АҚШда 80-йилларда электрон кутубхоналар яратиш бўйича иш бошланган бўлса, бунга Буюк Британияда 90-йиллар бошларида киришди. Одатда бундай ишлар лойиҳаларни амалга оширувчи кичик гуруҳлар томонидан бажарилиб, кейинчалик миллий дастурлар ва халқаро лойиҳалар даражасига кўтарилди.

Германияда эса "GLOBAL-INFO" электрон кутубхонаси яратишга киришилган. Юқорида келтирилган лойиҳалар давлат томонидан старлича молиявий таъминотга эгадир.

# Автоматлаштирилган кутубхона

Бу мамлакатларда электрон кутубхоналар яратиш муаммоларини ечиш учун турли инвестициялар фаол жалб қилинмоқда, жумладан, турли фондлар, манфаатдор хусусий компаниялар, хайрия ташкилотлари, хусусий шахслар маблағлари бу ишга йўналтирилмоқда. Россияда ҳам электрон кутубхоналар яратиш бўйича тажрибалар бор.

1995 йилдан бошлаб электрон ресурслар ва уларнинг дастурий техник таъминотини яратиш билан боғлиқ лойиҳалар (жумладан, интернет орқали) амалга оширила бошланди. Бу лойиҳалар бир қатор давлат илмий-техник дастурлари томонидан қўллаб-қувватланди.

1998 йил Россия фундаментал тадқиқотлар фонди (РФТФ) ва Россия технологик ривожланиш фонди (РТРФ) танлов эълон қилишди ва унинг натижасига кўра, электрон кутубхоналар муаммоларини ечиш бўйича лойиҳалар молиялаштирила бошланди. "Россия электрон кутубхоналари" тармоқларо дастурини амалга ошириш тўғрисида ҳам бир қатор ечимлар бор.

Электрон кутубхоналар яратишга йўналтирилган халқаро лойиҳалардан бири — "BIBLIOTHECA UNIVERSALIS" ҳисобланади, бу лойиҳа бўйича электрон кутубхоналар глобал тармоғи яратиш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳа "Катта еттилик" мамлакатлари томонидан амалга оширилаётган иккита лойиҳанинг биридир. 1995 йилда бошланган бу лойиҳа ишида кўплаб мамлакатлар иштирок этмоқда. Электрон кутубхоналар яратишда АҚШдаги кутубхоналар ва ахборот марказлари фаоллик кўрсатяпти.

Ўзбекистонда кутубхоналарни автоматлаштириш ишлари 90-йиллар-



**Ўзбекистонда кутубхоналарни автоматлаштириш ишлари 90-йилларнинг ўрталарида "Ахборотлаштириш ҳақида"ги қонун ва Миллий илмий-техник ахборотлар тармоғи яратиш бўйича дастур қабул қилиниши билан бошланди. Кутубхоналарни автоматлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан қўллаб-қувватланди.**

нинг ўрталарида "Ахборотлаштириш ҳақида"ги қонун ва Миллий илмий-техник ахборотлар тармоғи яратиш бўйича дастур қабул қилиниши билан бошланди. Кутубхоналарни автоматлаштириш ишлари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирилик томонидан қўллаб-қувватланди.

Осиё, Европа ва АҚШ кутубхоналар ассоциацияларида бўлаётган янгиллик ва ўзгаришлар ҳақида юртимиз вилоятларидаги кўпгина йирик оммавий ва илмий универсал кутубхоналар ҳамда пойтахтимиздаги Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Миллий кутубхонасида масофадан туриб танишув марказлари ташкил этилди.

Электрон кутубхоналар ва кутубхона консорциумлари яратиш бўйича дастур қадамлар қўйилди. Фанлар академияси-

нинг Асосий кутубхонасида биринчи электрон кутубхона ишлаб турибди. Намунавий автоматлаштирилган кутубхона лойиҳаси Очиқ жамият институти кўмак жамғармаси гранти асосида амалга оширилди.

Мазкур лойиҳадан кўзда тутилган мақсад:

- кутубхона ахборотларига автоматлаштирилган ҳолда ишлов беришнинг барча функцияларини кўрсатиш ва ўрганиш;


- кутубхоначиларни автоматлаштирилган кутубхонада ишлашга ўргатиш учун шaroит яратиш.

Бундан ташқари, Фанлар академиясининг Асосий кутубхонаси EIFL Direct Project халқаро лойиҳаси бўйича Очиқ Жамият институти кўмак жамғармасидан АҚШдаги EBSCO Publishing компаниясининг электрон маълумотлар базасини олди. Бу маълумотлар базасида 3500дан ортиқ номдаги етакчи даврий нашр (журнал ва газета)лар мавжуд. EBSCO маълумотлар базасидан ташқари, ахборотларни интернет ва CD-дисклардан қидириш имконини берувчи EIFL — Direct замонавий ахборот қидирув тизимини ҳам тақдим қилади. Бу эса, ўз навбатида, олимлар ва мутахассисларнинг фан, тижорат ва тиббиёт соҳасида жаҳонда эришилаётган ютуқлар ҳақидаги муҳим маълумотларни тезкорлик билан эгаллашларига имконият яратади. 2001 йили Ўзбекистондаги 84та кутубхона EBSCO Publishing компаниясининг электрон маълумотлар базасига буна бўлди.

**Зулайхо НОРҚУЛОВА,  
ТАТУ ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик факултети 4-босқич талабаси**

**"КИТОБ — БАРЧА БУНЁДҚОРИК, ЯРАТУВЧИЛИК ВА АҚЛ-ИДРОКНИНГ, ИЛМУ ДОНИШНИНГ АСОСИДИР, ҲАЁТНИ ЎРГАТУВЧИ МУРАББИЙДИР"**

**Амир ТЕМУР**



## Амалий машғулот

Юртимизда ёнги хавфсизлиги хизмати тизимини такомиллаштириш, корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларига ва аҳолига ёнги хавфсизлиги қонун-қоидаларини кенг тушуниши ва уларга қатъий риоя қилиш бўйича амалий тадбирлар мунтазам ташкиллаштириляпти. Бундан мақсад, ёнгинга қарши курашни кучайтиришдир.

"Ўзи-Қарши" филиалида ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий-иқтисодий объектлар, ўқув юртлири, мактаб ҳамда болалар боғчалари, шунингдек, бошқа жойларда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш ва содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш чора-тадбирлари, фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда фуқароларнинг ҳаракат қилиш тартиби ҳақида Қарши шаҳар ИИБ ЁХБ ҳамкорлигида ўқув машғулотли бўлиб ўтди.

Машғулотда филиалнинг бўлим бошлиқлари, менежерлари, барча таркибий бўлинмалар бошлиқлари, муҳандис-техник ходимлар иштирок этди.

Филиалнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси менежери Тулаган Бердиев корхонада олиб борилаётган ишлар, ўт ўчиришда қўлланиладиган воситалар, фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда ҳаракатланиш тартиби ва қоидалари ҳақида сўз юритди.

Қарши шаҳар ИИБ ЁХБ инспектори Бердиали Шокиров, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЁХОТМ курсанти А.Нусратов, филиалнинг фавқулодда вазиятлар ва фуқаро муҳофазаси менежери Амин Халилов, филиал техник директори Абдуқаҳҳор Дўстқобуловлар ишлаб чиқариш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, ўт ўчиришда қўлланиладиган воситаларнинг янги турлари, ишлаб чиқариш биноларига ёнгинни автоматик равишда сезувчи сигналациялар ўрнатилганлиги, АТСларнинг керакли ўт ўчириш воситалари билан таъминланганлиги ҳақида гапирдилар.

Шу кунги ўт ўчириш мосламаларининг ишлатилишига оид амалий машғулот ҳам ўтказилди.

**Афтодил ИСМОИЛОВ**

ДУШАНБА — 28 ИЮЛ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Коинот тилсими"
7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи"

21.00 "Ахборот"
21.40 "Муносабат плюс"
23.40 "Коинот тилсими"
00.05 "Иқлим"

16.00 "Давр"
16.10 "Терра-Нова"
17.00 "Юрт келажиги"
17.10 "Нукта назар"

Дейл". 58-қисм.
9.30 "Интервью"
9.45 Миллий сериал: "Она дарё"

яти пойтахти".
21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллооялари"

14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 "Шоҳулага йул"

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Коинот тилсими"
7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи"

19.30 "Ахборот"
20.05 Миллий сериал: "Опа-сингиллар"

10.50 "Соғлом оила - соғлом бола"
11.10 "Мўъжизавий дунё"

7.25 "Навоий махзани"
7.30 "Тошкент тароналари"
7.45 "Интеллектуал аукцион"

20.25 "Обод хонадон"
20.45 "Репортаж"
21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллооялари"

оляти.
13.50 "Техно-спорт"
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 "Sport ensiklopediya"

СЕШАНБА — 29 ИЮЛ

6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
7.00 "Коинот тилсими"
7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи"

18. 40 "Рўхшунос"
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 "Ахборот"

11.10 "Мўъжизавий дунё"
12.00 "Чархпалак"
12.50 "Истиқлол солномаси"

7.30 "Тошкент тароналари"
7.45 "Интеллектуал аукцион"
8.00 "Салом, Тошкент!"

19.55 "Навоий махзани"
20.00 "Poytakht news"
20.20 "Бунёдкор"

12.00 "SPORT-EXPRESS"
13.00 АНОНС.
13.05 "RING"

ПАЙШАНБА — 31 ИЮЛ

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Кинолот тилсими"
7.30 Миллий сериал: "Ўзи уйланмаган совчи"

- 21.00 "Ахборот"
21.40 "Қадрон қадриятлар"
22.00 "Кўнгил қўшиқ истаиди"

- 13.00 "Давр"
13.10 "Ришар қиссаси"
13.15 "Кисм"

- 7.30 "Тошкент тароналари"
7.45 "Интеллектуал аукцион"
8.00 "Салом, Тошкент"

- 19.25 "Тошкент тароналари"
19.40 "Теле-маркет"
19.55 "Навойи махзани"

- рейтинглар.
12.00 "SPORT-EXPRESS"
13.00 "Муциал -2014" якун-



- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Жанубий Америка табияти"
7.30 "Ўзи уйланмаган совчи"

- 6.00 "Ватан меҳри"
6.10 "Пазаида"
7.00 "Ўзбек адабиёти"

- 5.00 "Салом, Тошкент"
6.10 "Аёл қалби"
7.00 "Пойтахт"

- 9.00 Мультисериал: "Чип ва Дейл"
9.25 "Интервью"
9.40 Миллий сериал: "Она дарё"

- 21.00 Миллий сериал: "Ҳаёт пиллоялари"
21.27-қисм. /Яқунловчи/
21.30 "Теле-маркет"

- 14.15 "Sport ensiklopediya"
14.20 Профессионал бокс.
15.10 АНОНС.

ЖУМА — 1 АВГУСТ

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Табаасум"
7.20 "Капалак"
8.00 "Ахборот"

- 6.00 "Ватан меҳри"
6.10 "Пазаида"
7.00 "Ўзбек адабиёти"

- 20.50 "Аскар"
21.40 "Ёшлик наволари"
22.00 "Давр"

- 10.40 "Эко-пойтахт"
10.50 "Оила шифокори"
11.05 "Фурур ва андиша"
11.30 "Салом, Тошкент"

- 21.45 "Аёл қалби"
22.30 "Пойтахт"
22.50 "Мой город"
23.05 "Параноя"

- 14.15 От спорти. Халқаро турнир.
15.05 "Спортизм маликалари"
15.40 Автомотоспорт.

ШАНБА — 2 АВГУСТ

- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон"
7.00 "Табаасум"
7.20 "Капалак"
8.00 "Ахборот"

- 6.00 "Ватан меҳри"
6.10 "Унутилмас оҳанглар"
7.10 "Мультипанорама"


- 5.00 "Салом, Тошкент"
6.10 "Аёл қалби"
7.00 "Пойтахт"

- 10.40 "Эко-пойтахт"
10.50 "Оила шифокори"
11.05 "Фурур ва андиша"
11.30 "Салом, Тошкент"

- 21.45 "Аёл қалби"
22.30 "Пойтахт"
22.50 "Мой город"
23.05 "Параноя"

- 14.15 От спорти. Халқаро турнир.
15.05 "Спортизм маликалари"
15.40 Автомотоспорт.

ЯКШАНБА — 3 АВГУСТ




- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Табасум".
- 7.20 "Капалак". Б/ф 2-қисм.
- 8.00 "Ахборот".
- 8.40 "Сусамбил", "Турон ботир". М/ф.
- 9.20 "Иқлим".
- 9. 25 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 9. 40 "Бенжи". Б/ф.
- 11.00 "Ойдин ҳаёт".
- Ток-шоу.
- 11.45 "Кунларнинг бирида".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 13.00 "Иқлим".
- 13. 05 "Дилнаво".
- 13.40 Ҳинд киноси: "Юз фоиз муҳаббат". Премьера.
- 15.55". Иқлим".
- 16.00 "Иним айиқ". М/ф.
- 17.10 "Хушқачқак".
- 17.30 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 17.45 "Сехрланган қиз".
- Б/ф.
- 19.25. 20.00. 20.55 Эълонлар.
- 19.30 "Таҳлилнома" /рус/.
- 20.05 "Узингни англа". Токшоу.
- 21.00 "Таҳлилнома".
- 21.40 "Билдимдон".
- 22.40 "Шурданак".
- 23.05 "Тақдирда бўлмагунча". Б/ф.
- 00.35 "Иқлим".
- 00.40 "Шумтакалар". Ҳажвий тележурнал.
- 1.00 "Таҳлилнома" /рус/.
- 1.30 "Узингни англа". Токшоу.
- 2.15 "Табасум".
- 2.35 "Кунларнинг бирида."
- 2.50 "Шарқ тароналари".
- 3.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 4.00 "Таҳлилнома".
- 4.40 "Билдимдон". Интеллектуал танлов.
- 5.40 - 5.55 "Кунларнинг бирида".


- 7.30 "Тошкент тароналари".
- 7.45 "Эртақлар олами".
- 8.00 "Салом, Тошкент!"
- 9.00 "Дилбандим" тележурнали.
- 9.30 "Ro'yakht news".
- 9.50 "Ўйларим".
- 10.00 "Спортчининг бир куни".
- 10.15 Жиззах вилоят телерадиокомпанияси намоиш этади: "Қишлоғим".
- 10.45 Ҳинд киноси: "Қалбим сен билан".
- 13.00 "Салом, Тошкент!"
- 14.00 "Бунёдкор".
- 14.25 Болалар учун фильм: "Бойўеги қичқирғи".
- 15.55 "Миттвойлар оиласи".
- 16.15 "Эътиқод".
- 16.30 "Антиқа мантик".
- 17.15 "Барчасини ўзгартирган одам". Б/ф.
- 19.25 "Тошкент тароналари".
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.55 "Кадр ортида".
- 20.10 "Ибрат".
- 20.35 "Ўзбегим рақслари".
- 20.45". Мен сизга айтсам".
- 21.30 "Теле-маркет".
- 21.45". Бахт кўргони".
- 22.10 "Все о туризме".
- 22.40 "Таймлесс. Рубиновая книга". Х/ф./Премьера/.
- 00.40 "Вулканы". Д/ф.
- 1.25 "Без изъяна". Х/ф.
- 2.55 "Ўйларим".
- 3.00 "Бизнес-пойтахт".
- 3.05-5.00 "Фурур ва андиша". Б/ф.



- 6.00 "Хайрли тонг!"
- 6.05 Кўрсатувлар тартиби.
- 6.10 АНОНС.
- 6.15 "Шумахер". Хужжатли фильм.
- 7.55 АНОНС.
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.10 "Sport Test".
- 8.15 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 9.55 АНОНС.
- 10.00 "Маҳорат мактаби".
- 10.20 "Аптека слушаёт".
- 11.05 Велоспорт.
- 12.20 "Кувнок стартлар".
- 12.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
- 13.00 "Қорақалпоқ спорти".
- 13.15 От спорти. Халқаро турнири.
- 14.25 "Sport ensiklopediya".
- 14.30 "Куч бирликда".
- 15.00 Байдарка ва канода эшак эшиш. Слалом. Жаҳон кубоги.
- 16.00 "Эстафета".
- 16.20 АНОНС.
- 16.30 Теннис. АТР\WTA турнири.
- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 "Орулар кемаси".
- 18.30 ХАБАРЛАР.
- 18.55 АНОНС.
- 19.00 "Менинг танловим".
- 19.20 АНОНС.
- 19.25 ФУТБОЛ. ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ. "ПАХТАКОР" - "АНДИЖОН". Тўғридан - тўғри олиб кўрсатилади.
- 21.20 АНОНС.
- 21.25 "СПОРТ-МАРКЕТ".
- 21.30 ХАБАРЛАР.
- 22.00 АНОНС.
- 22.05 "Мундиал -2014" якулари.
- 22.55 От спорти. Халқаро турнири.
- 00.00 АНОНС.
- 00.05 ИНТЕРФУТБОЛ.
- 1.45 Волейбол. Жаҳон лигаси.
- 3.00 АНОНС.
- 3.05 Велоспорт.
- 4.20 АНОНС.
- 4.25-5.50 Теннис. АТР\WTA турнири.



- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Ўнутилмас оҳанглар".
- 7.30 "Кузгу". Ҳажвия.
- 8.00 "Мумтоз наво".
- 8.30 "Учрашув". Б/ф.
- 9.40 "Истиқлол солномаси".
- 9.45 "Omad lotto".
- 10.00 "Ватанпарвар".
- 10.40 "Шум бола". Б/ф.
- 12.20 "Тараннум".
- 13.10 "Кавказ асираси".
- Б/ф.
- 14.30 "Мафтункор наволар".
- 15.20 "Ифтихорим".
- 15.30 "Лилининг саргузашлари". Б/ф.
- 16.50 "Сўз ёшларга".
- 17.30 "Омонат дунё". Спектакль.
- 18.50 "Истиқлол солномаси".
- 19.00 "Давр ҳафта ичида".
- 19.30 "Олтин микрофон".
- 20.20 "Имкон-шоу".
- 21.10 "Муҳаббат кудрати".
- Б/ф.
- 23.40 "Қаҳқаҳа". Ҳажвия.
- 00.00 "Ҳақон мусикаси".
- 1.10 "Ватанпарвар".
- 1.50 "Ҳаёт симфонияси".
- 2.40 "Илҳом қанотлари".
- 4.40 "Афсона ва ҳақиқат".
- 5.30-6.00 "Давр ҳафта ичида".



- 5.00 "Салом, Тошкент!"
- 6.10 "У замонлар ўтиб кетган". Б/ф.
- 7.25 "Навоий маҳзани".



Qishloq Qurilish Bank

Ишончли ҳамкор

Бугунги кунда мамлакатимизда юз бераётган кенг миқёсдаги ўзгаришлар бевосита тижорат банклари билан ҳам боғлиқ бўлиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларга харидорғир маҳсулотлар чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда янги иш ўринларини яратишга ёрдам бермоқда.

ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Фарғона минтақавий филиали фаолиятининг устувор йўналишларидан бири ҳам, шубҳасиз, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашдир.

Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври давомида банк филиали томонидан кичик бизнес субъектларига 6827,2 млн. сўм ҳамда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун 658,1 млн. сўм кредитлар ажратилди.

Фарғона вилоятида ташкил этилган "УРО-МЕД АБК ШИФО" хусусий корхонаси ҳам банкнинг молиявий кўмаги асосида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйган.

"УРО-МЕД АБК ШИФО" хусусий корхонаси ташкил этилгандан буён ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Фарғона вилояти минтақавий филиали билан ҳамкорликда ишлаб келяпмиз, — дейди корхона раҳбари Баҳодир Аҳунжанов. — 2007 йили корхонага тиббий ускуналар ва шифохона учун жиҳозлар сотиб олишга 60 млн. сўм кредит ажратилди. Ўрнатган замонавий технологияларимиз миқозларимиз сонининг ортишига ва корхонамизга бўлган ишонч мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Шифохонамиз фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида 120,0 млн. сўм миқдоридagi кредит маблағи олишга эришдик. Бу маблағ эвазига шифохонамизни замонавий технологиялар билан жиҳозладик. Бунинг натижасида шифохонамизда учта янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозирда тиббий муассасада тажрибали шифокор ва ҳамширалар аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Келгусида режаларимиз бисёр. Айниқса, аҳолига комплекс сервис хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш, энг замонавий, энг сифатли ва тез хизмат кўрсатишни ўз олдимиизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Банкнинг минтақавий филиали томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришнинг кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтиришнинг рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини бойитиш, тайёр ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун жорий йилнинг ўтган даври давомида ажратилган кредитлар ҳажми 3737,5 млн. сўмни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробарга ортган.

"Фирдавс Хилол Файз" масъулияти чекланган жамияти ҳам банкнинг мадади туфайли бугун трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқа-

ришни йўлга қўйган.

— Телевизор орқали тижорат банклари томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонлар тўғрисидаги кўрсатувларни кўриб ҳавас қилардим. Менда ҳам банкдан кредит олиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш фикри туғилди ва ўз бизнес режамни ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Фарғона минтақавий филиалига тақдим этдим, — дейди жамият раҳбари Аъзамхон Сайитхўжаев. — Қисқа муддат ичида кредит олиш имконияти пайдо бўлди ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жамиятга 200,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Банкнинг кредитлари эвазига корхонамизга замонавий бўйча дастгоҳи сотиб олинди ва фаолиятимизни кенгайтирдик. Лойиҳа амалга оширилиши натижасида жамиятда тўртта янги иш ўрни яратилди.

Имкониятларимиздан ва маҳсулотимизга бўлган талабдан келиб чиқиб, жорий йилда иш ўринларини янада кенгайтириб, корхона учун янги асбоб-ускуналар сотиб олиш, турли кийим-кечакларни ҳамёнбон нархларда қишлоқ ва туманларимизга тақдим этишни мақсад қилиб қўйганмиз.

Шунингдек, ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Фарғона минтақавий филиали томонидан жорий йилнинг ўтган ойлари давомида тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 812,1 млн. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,7 баробар ёки 352,1 млн. сўмга кўпдир.

Бундан ташқари, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлашга кўмаклашиш мақсадида 661,5 млн. сўм миқдорида ипотека кредитлари ажратилди.

Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, уларга бизнесини йўлга қўйиш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун эса 223,3 млн. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Республикамизда банк тизимини ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар натижасида ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Фарғона вилояти минтақавий филиалида ҳам фаолият самарадорлиги таъминламоқда. Бу эса вилоятда кичик бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда ҳамда ҳудуд иқтисодиёти юксалишига мустаҳкам замин яратмоқда.

Хизматлар лицензияланган

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали жамоаси филиал ҳодими Камолитдин Қамбаридиновга падари бузруквори

Садриддин ҳожи отанинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

# “O‘ZBEKTELEKOM”

AKSIYADORLIK KOMPANIYASI

*O‘zbekiston xalqini*

## RAMAZON HAYITI

*bilan qutlaydi.*



### Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
ДАВЛАТ ҚУМИТАСИ

Бош муҳаррир  
Абдусайд КҮЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва  
ахборот агентлиги томонидан  
0016 рақами билан 2013 йил  
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ,  
Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Рустам ҚОСИМОВ,  
Сувои НАЖБИДДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),  
Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.  
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.  
Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилигига таҳририят жавобгар эмас.  
Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент,  
Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: [info@xabar.uz](mailto:info@xabar.uz)  
Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер  
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят  
муҳбирлари:

Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
226-47-80	715-87-21	240-00-46	(94) 199-95-64	225-91-10	554-35-45	230-64-80	(91)235-88-68	288-40-66	(90) 713-21-40	244-18-05	(93)931-08-99